

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 3 (11)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdullaev Elbek Abduqahhor o'g'li AMIR TEMURNING 1393 YILGI ERON YURISHI	5
2. Akbarov Ravshan Xalimovich TURKISTONDA JADID MAKTABLARI TARMOG'INING VUJUDGA KELISHIDAGI SHART-SHAROITLAR	13
3. Бобожонов Шавкатжон Улуғбекович “ҚОЗОН ТЎЛДИ” – НАВРЎЗНИНГ БОЎИЙ МАРОСИМИ	21
4. Дусчанов Расулжон Рахимбаевич ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ	34
5. Israilov Nodir Rahimjonovich LYUDOVIK XIV NI HAYRATLANTIRGAN SIYMO	41
6. Karimova Nazokat Voxidjon qizi ANTIK DAVR FARG'ONA VODIYSIDA URBANIZATSIYA JARAYONLARINI TARAQQIY ETISHI	47
7. Maxmudova Muazzamxon Sultonmahmudovna AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI KUTUBXONALARI	53
8. Mo'minov Mironshoh Abdualim o'g'li THE IMPORTANCE OF SUSTAINABILITY: A PATH TO A GREEN FUTURE	61
9. Mubinov Muhammadali Akobirovich BUXORO AMIRLIGI TO'G'RISIDAGI MA'LUMOTLARNING YEVROPA MAMLUKATLARIDA OMMALASHUVI (INGLIZABON MUALLIFLAR ASARLARI ASOSIDA)	70
10. Нишонов Абдурашид Абдурасулович СЕВИНЧХОЖАХОН ХОНАДОНИ ТАРИХИ МЕМУАР АСАРЛАРДА ЁРИТИЛИШИ	84
11. Nishonov Abdurashid Abdurasulovich KELDIMUHAMMAD SULTON HUKMRONLIGI DAVRIDA FARG'ONA VODIYSIDAGI SIYOSIY JARAYONLAR	90
12. Ravshanov O'ktamali Rustam o'g'li BUXORO AMIRLIGI VA ERON MUNOSABATLARI TARIXIDAN	97
13. Raxmanova Odinaxon Ravshanbekovna., Odilov Muhammadqodir Olimjon o'g'li IBN AN-NADIMNING AL-FIHRIST ASARI TARIXIY MANBA SIFATIDA	107
14. Said Irandoust ESTABLISHING WORLD-CLASS RESEARCH UNIVERSITIES	114

Дусчанов Р. Р.

«Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси доценти., PhD

Ўзбекистон Миллий университети

rasuljonduschanov@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ССРдаги Молия халқ комиссарлиги ташкил топиши тарихи, бошқармалари, бўлимлари ва кадрлар масаласи архив хужжатлари асосида ёритиб берилган. Комиссарлик ваколоти ва вазифалари нималардан иборатлиги келтирилган.

Калит сўзлар: округ, бўлим, бошқарма, комиссарлик, молия, йиғим, совет, даромад, харажат, давлат, тоифа, кирим, чиқим, хужжат, архив, манба.

КИРИШ

Молия соҳаси фаолият жиҳатдан тарихий бўлиб, унинг номланиш йиллар асрлар давомида ҳар хил бўлиши мумкин, лекин вазифалари нуқтаи назаридан доимо ўз ваколатини кенгайтириб келган. Бугунги кундаги бюджетдаги даромад ва харажатлар унинг асосий вазифаларидан бир ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, совет давридаги молия комиссарлигига эътибор қаратсак.

Молия халқ комиссарлиги 1917 йил 8 ноябр РСФСРда ташкил этилган. 1923 йилда у СССР Молия халқ комиссарлигига айлантирилган. Молия халқ комиссарлигига бўйсинувчи коллегиял ва 12 бошқармадан иборат бўлган[1]. Шунинг натижасида тарихий жиҳатдан қараладиган бўлса, молия соҳасида комиссарлик деб номланиш шу тариқа бошланган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлар советининг 1925 йил 6 майдаги қарори асосида ташкил қилинган бўлса, лекин давр ўтиши билан яъни замон талабларига мос равишда 1946 йил 12-15 мартда СССР Олий Советининг 1-сессияси томонидан тасдиқланган “Халқ комиссарликларини министрликларга айлантириш тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги Ўзбекистон ССР Молия министрлигига

айлантирилган (Ўзбекистон ССР ҳукуматининг 1946 й. ҚТ) [2]. Молия халқ комиссарлиги 21 йил давомида шу ном билан бошқариб келинган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Марказий Ижроия Қўмитаси Кенгаши ва Халқ Комиссарлар Советининг 1925 йил 6 майдаги 28-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССРнинг Молия халқ комиссарлиги низоми ишлаб чиқилган. Унга кўра, Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги Марказий Ижроия Қўмитаси олдида, унинг Президиуми ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советида жавобгардир деб белгилаб қўйилган[3]. Молия соҳаси ўзидан юқори туривчи қайси ташкилотлар олдида жавобгарлиги ва қандай вазифалар юклатилгани келтирилган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети низоми бўйича Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги ҳузурида Коллегия ташкил этилиши мумкин бўлган, унинг аъзолари Халқ Комиссарлар Совети тарафидан белгиланаши кўрсатилган бўлиб, Коллегия аъзоларининг сони Халқ Комиссарлар Совети томонидан белгиланган. Коллегия агарда Молия халқ комиссарлиги томонидан қайсидир қабул қилинган хулосасидан нарози бўлса, бу қарорнинг ижросини тўхтатмасдан, шу қарор бўйича Халқ Комиссарлар Советига шикоят қилиши мумкинлиги ҳамда бундай ҳуқуқ коллегиянинг ҳар бир аъзосига берилган. Бундан кўриш мумкинки, коллегия аъзосининг ҳар бирига жуда катта ваколат берилган.

Молия тизимида марказий аппаратдан кейин ҳар бир соҳа бўйича бошқармалар бўлиб, масалан: бюджет, даромад ва солиқ бошқармалари бўлган. Улар шу соҳанинг ижроси учун ўзларига юклатилган вазифаларни амалга оширган. Комиссарлик бир нечта бошқармалардан иборат бўлиб, улар Молия халқ комиссарлиги томонидан тайинланган. Бошқарма бошлиқлари Молия халқ комиссарлигига бўйсиндирилиб ўз фаолиятлари бўйича ҳисобот берган. Аммо таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу бошқармалар юқоридан берилган топшириқларни бажариш бўйича жавобгар бўлган.

1925 йилда Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Молия халқ комиссарлиги тўғрисидаги 4 та бўлим 31 моддадан иборат низоми қабул қилинган бўлиб, унда Молия халқ комиссарлиги таркибий тузилиши кўйидагилардан иборат бўлган: Молия халқ камиссарлиги ва қошидаги жамоа (коллегия), Умумий бошқарма, Бюджет бошқармаси, Валюта бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат даромадлар бошқармаси, Маҳаллий молия бошқармаси, Молия-назорат бошқармаси, Молия-иқтисодиёт бюроси ва Давлат белгиларини ишлаб чиқариш бошқармаси[4] каби бошқармалар ташкил этилган.

Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги тўғрисидаги низоми 3 та бўлим, 63 моддадан иборат ҳисобланиб, Молия халқ комиссарлиги таркибида

қуйидаги: Молия халқ камиссарлиги ва қошидаги жамоа (коллегия), Умумий бошқарма, Бюджет бошқарма, Солиқлар бошқармаси, Давлат даромадлар бошқармаси, Маҳаллий молия бошқармаси, Молия-назорат бошқармаси ва Валюта бўлимидан иборат бўлган[5]. Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқида Молия халқ комиссарлига 8 та бошқарма ва бюрода яъни Молия-иқтисодиёт бюроси; Давлат белгиларини ишлаб чиқариш бошқармасида фарқ қилган.

Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлигининг 1926/27 бюджет йилидаги йиллик ҳисоботида, ўтказилаётган районлаштириш ҳаёти ва Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги кейинги тузилиши акс эттирилган. Унга кўра, Молия халқ комиссарлигида – Умумий, Бюджет, Солиқ, Давлат даромади, Маҳаллий молиялаштириш, Молия назорати бошқармалари ҳамда Валюта ва Молия-иқтисодий бюро кабилар бўлиб, комиссарликда 196 ходим фаолият олиб борган[6]. 1925 йилдагидан ўзгариш Валюта ва Молия-иқтисодий бюросида фарқ қилган.

Вилоятлар кесимида эътибор қаратилса, Самарқанд вилояти бўйича молия бўлими – 205 та, Уезд молия бўлимларида – Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззахда, ҳар бирида ходимлар сони – 31 тадан бўлган. Тошкент вилоятида – 276 та, 2 та уезд яъни Эски Тошкент шаҳри – 10 та, Мирзачўлда – 17 та, Фарғона вилоятида 234 та, 3 та уезд Фарғона – 33 та, Наманган – 32 та, Андижон – 36 тани, бундан ташқари, қирим-чиқим кассаларида Марғилон – 9 та, Конибодом – 8 тани ташкил қилган. Зарфшон вилоятида – 156 та, ундан Ёғдудонда – 21 та, Нуротада – 19 та, Карманада – 20 та, қирим-чиқим кассаларида Когонда – 13 та, Қашқадарё вилоятида – 93 та штат, Ғузор ва Шаҳрисабзда 18 тадан бўлиб, Касон қирим-чиқим кассаларида – 8 та, Сурхондарё молия бўлимида – 81 та, қирим-чиқим кассалари бўйича Термиз – 12 та, Бойсунда ва Юрчида – 8 тадан ажратилган. Хоразм вилояти молия бўлимида – 91 та, уездлардан Янги Урганчда – 19 та, Гурланда – 17 та, Хозарсап қирим-чиқим кассаларида – 8 тани ташкил қилган штатлар белгиланган[7]. Вилоят штатлар кесимида бошқаларга нисбатан Тошкент вилояти кўпроқ, Фарғона вилояти иккинчи ўринда турган.

Ўша даврда Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР қирганлиги, унда 7 вилоят, 39 туман ва волост, 63 кент ва 4603 қишлоқ бўлиб, маркази душанбе шаҳри бўлган[8]. Архив ҳужжатларидаги маълумотга кўра, Тожикистон АССР Молия халқ комиссарлигида 54 та штат бирлиги бўлиб, вилоят молия бўлимлари яъни, Ҳисор – 17 та, Кўлоб – 15 та, Қўрғонтепа – 13 та, Ғарм – 12 та, Ўратепа – 31 та, Панжикент – 13 та, Тоғли Бадахшон қирим-чиқим кассаларида – 3 та каби штат бирликлари бўлган[9]. 1926 йилдаги

округларнинг ташкил этилишига кўра, Тожикистон АССР Молия халқ комиссарлигига таркибига ўзгартириш киритилмаган.

1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР Советлар Марказий Ижроия Қўмитаси 5-сессиясида районлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Унга мувофиқ Ўзбекистон ССРда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилди ҳамда вилоят, уезд ва волостлар тугатилди. 7 та вилоят ўрнига 10 та округ ташкил этилган[10].

Округ ташкил қилиниши натижасида Молия халқ комиссарлигида штатлар сони 206 та бўлган. Бу масала округлар кесимида кўрилса, Самарқанд – 177 та, Тошкент – 284 та, Қўқон – 152 та, Андижон – 136 та, Хўжакент – 75 та, Зарфшон – 67 та, Бухоро – 106 та, Қашқадарё – 77 та, Сурхондарё – 64 та, Хоразм – 79 та бўлиб, штатлар масаласида сони жиҳатидан юқори ўринда Тошкент ва Самарқанд вилоятлари турган[11].

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1927 йилги Конституцияси 6-бўлими, 42-моддасида Халқ Комиссарлар Совети таркиби келтирилиб, унда 9 та халқ комиссарлигидан биттаси Молия халқ комиссарлиги ҳисобланади[12]. 1931 йилдаги Конституцияда Халқ Комиссарлар Совети таркибидаги Молия халқ комиссарлигига ўзгартириш киритилмаган.

1928 йил 15 сентябрдаги Ўзбекистон ССР Молия халқ камиссарлиги Марказий аппарат таркибига тўхталадиган бўлсак, Молия халқ камиссари Қори Йўлдош Пўлатов 1924 йил 24 ноябрда бу лавозимга тайинланганлиги, И.В. Гончаров ва Х.Хаджаевлар ўринбосари битта котибдан иборат бўлган. Бундан ташқари, Маъмурий бошқарма, Бюджет бошқарма, Волюта бошқарма, Солиқ бошқарма, Давлат даромад бошқармаси, Маҳаллий молия бошқармаси ва давлат молия бошқармаларидан иборат бўлган[13].

1939 йил 8-апрелдаги 212-сонли Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссари К.М.Ефимов буйруғи асосида тасдиқланган штатлар жадвалида, Раҳбариятда – 6 та ходим, Раҳбарият ҳузурида Девонхона – 7 та, Машинка бюросида – 9 та, булардан Шикоятлар бўйича бош инспектор, Шикоят бўйича инспектор, Кутубхоначи, Ҳуқуқ маслаҳатчи ва архив мудир каби лавозим бўлиб, улар 5 та ходим ишлаган. Кадрлар бўлимида битта Кадрларни қайта тайёрлаш секторида билан ҳаммаси – 5 та ходим, бу даврда Молия халқ комиссарлигида 5 та бошқарма бўлиб, булардан Бюджет бошқармасида 4 та сектор Режали-маълумот сектори, Ижтимоий-маданият сектори, Коммунал хўжалик бўйича сектор, Бюджет ижросини ҳисоблаш ва ҳисобот бериш секторидан ташқари Бошқарма аппаратлари бўйича гуруҳ ҳам киритилиб жами штатлар сони 41 та, Давлат даромад бошқармасида 6 та гуруҳ ва битта сектордан иборат бўлган. Айланма ва бошқа тўловлардан солиқ ундириш гуруҳи, Озиқ-овқат

маҳсулотларини солиққа тортиш гуруҳи, Саноат маҳсулотларини солиққа тортиш гуруҳи, Йирик корхоналарни солиққа тортиш гуруҳи, Якуний (умумий) режалаштириш сектори, Фойда ва даромад солиғи бўйича ажратмалар гуруҳи. Солиқ ва Назорат гуруҳи билан 20 та ходим, Солиқ бошқармасида 3 та гуруҳ булар: Шаҳар ва маҳаллий солиқлар гуруҳи, Қишлоқ тўловлари гуруҳи, Текширув-инспекторлик гуруҳи ҳаммаси 16 та ходим, Штатлар бошқармасида Рўйхатга олиш бюроси ва Штатлар бўйича гуруҳларда 9 та ходим, Халқ хўжалигини молиялаштириш бўлимида 3 та сектор, булар Саноатни молиялаштириш сектори, Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш сектори ва Алоқа ва транспорт, савдони молиялаштириш сектори жами бўлимда 17 та ходим, Махфий-рақамли қисм ва мутахассислар секторида 4 та ходим, қимматбаҳо металлларни текшириш ишлари бошқармасида маъмурий-хўжалик бўлими, Бухгалтерия, Хўжалик қисм ҳамда гараж ходимлари билан бирга 29 тани умумий 170 та ходим ишлаган[14]. Шу йиллардаги бошқармалар фаолиятида гуруҳлар, секторлар ва бўлимлар сони сезиларли даражада ортган.

Молия халқ комиссари ва иккита ўринбосари ойлик маоши 1000 рубл, бу давда бошқарма бошлиқлари маошлари табақалаштирилган, яъни Бюджет бошқарма бошлиғи 850 рубл, Давлат даромад бошқармаси бошлиғи 825 рубл, Солиқ бошқарма бошлиғи 800 рубл, Штатлар бошқармаси бошлиғи 775 рубл, қимматбаҳо металлларни текшириш ишлари бошқармаси бошлиғи 600 рубл иш ҳақи олиганлар.

1939 йилдаги давлат бюджетидаги даромадлар сони 13 та бўлиб, булар: Савдо айланмасидан олинadиган солиқ; Фойдадан ажратмалар; Кархона ва кооператив ташкилотларидан олинadиган даромад солиғи ва бошқа солиқлар; Аҳолидан олинadиган солиқ ва йиғимлар; Маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва давлат божлари; Аҳолига тарқатиладиган давлат заёмларидан ажратма; Давлат соцаиал суғурта маблағи; Маҳаллий совет мол-мулкларидан ижара даромадлари; Ўрмон даромадлари; Мажбурий давлат суғурта бўйича суғурта тўловларидан ажратма; Хар хил даромад ва киримлар; Бюджет маблағларининг қолдиғи ва Социал-суғурта иқтисодлари ташкил этган. 13 та даромад объектининг ичида 4 тасини солиқ, йиғим ва давлат божи улушига тўғри келган[15].

1940 йил 1 октябрдаги Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги таркибида асосий қисмини ташкил этувчи 6 та бошқарма иш олиб борган, бошқармалар таркибий жиҳатдан ҳам бўлим, сектор ва гуруҳларга ажратилган. Булардан ташқари раҳбариятида – 7 та, кадрлар бўлими – 3 та ходим фаолият олиб борган.

Ўша даврдаги молия халқ комиссарлигининг асосий бошқармаларидан бири бу Бюджет бошқармасида – режа-ҳисобот сектори, маҳаллий бюджет сектори, бюджет ижроси сектори, маданий соҳани молиялаштириш бўлими, Маорифни молиялаштириш гуруҳи, соғлиқни сақлаш жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот бўлими молиялаштириш гуруҳи, марказий бухгалтерия каби бўлим, сектор ва гуруҳлардан иборат бўлиб, бу бошқармада умумий ходимлар 25 тани ташкил этган. Солиқ бошқармасида –учта гуруҳ бўлиб, булар қишлоқ хўжалиги солиқчилари ва шаҳар ва маҳаллий солиқчилар ва тафтиш гуруҳини ташкил этиб, бу бошқармада 13 та ходим фаолият олиб борган[16].

Давлат даромад бошқармасида – иккита бўлим яъни, Фойдадан ажратмалар ва бошқа бюджетга ушлаб қолинадиган маблағлар бўйича режалаштириш ва ҳисоб-китоб бўлими бўлиб, ундан ташқари иккита секторни айланмадан олинадиган солиқ сектори, ташкилотларни тафтиш қилиш сектори бўлган, даромад бошқармасида – 15 та ходим ишлаган. Саноат ва савдони молиялаштириш бошқармасида – олтита бўлим фаолият олиб борган. Булар тўқмачилик саноатини молиялаштириш бўлими, гўшт-сут ва озиқ-овқатни молиялаштириш бўлими, Маҳаллий ва туман саноати, хунармандчилик ҳамда ногиронлар кооперациясини молиялаштириш бўлими, Савдо ва истеъмол кооперациясини молиялаштириш бўлими, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш бўлими, каммунал хўжалигини молиялаштириш каби бўлимлардан ташкил этилиб, бунда ходимлар сони 15 та бўлган. Штат бошқармасида – рўйхатга олиш бюроси, штат бўйича гуруҳ ва бўлиб, умумий 10 та ходим ишлаган. Асбоб-ускуна бошқармасида – маъмурий хўжалик бўлими, Маъмурий-хўжалик бўлими ҳисобхонаси девонхона, Машина бюроси, хўжалик қисми ва шахсий таркибга хизмат кўрсатувчи каби бўлимларда жами – 46 та ходим ишлаган, кейинги бошқарма бино бошқармаси – 6 та ходим бўлган[17].

ХУЛОСА

Молия халқ комиссарлиги таркибида бошқармалар, бюджет, даромад ҳамда солиқ ва йиғимлар бошқармаси молия иши бўйича асосий вазифаларни ташкил қилиб, уларнинг ҳар бирида тафтиш (ревизор) бўлими ёки сектори фаолият юритган. Комиссарлик тузилиши, бошқармалар, бўлимлар, секторлар ва гуруҳлардан иборат бўлган, марказий аппарат орқали тартибга солиниб турган. Масалан бюджет соҳасида шундай тафтишчи бўлимлари, солиқ ва йиғимлар бошқармасида ҳам бўлган. Чунки бу даврда солиқлар давлат даромади бўйича бирламчи манбалар ҳисобланган. Айланмадан олинадиган солиқ давлат даромади бўйича даромаднинг катта қисмини

ташқил қилганлиги архив ҳужжатларида келтирилган. Бу солиқ аҳолидан эмас ишлаб чиқарувчи ташкилотлар савдо айланмасидан олинган. Молия тизимида маҳаллий бюджет бошқармаси ҳам ташқил қилинган, бу бошқарма вазифаси режали, маҳаллий бюджет ҳисоби ва бюджет инспекцияларини ўз ичига олган.

Duschanov R. R.

Associate professor., PhD at the department of «Source and archival studies»
National university of Uzbekistan
rasuljonduschanov@gmail.com

HISTORY OF THE UZBEK SSR BUDGET (on the example of 1925-1929)

ABSTRACT

This article shed lights on the history of formation of the People's commissariat in the Uzbek SSR, its departments, administrations and the matters of staff in archival documents. Furthermore, it gives information about the functions and tasks of commissariat.

Keywords: administration, okrug, department, commissariat, finance, collection, soviet, income, expense, state, category, receipt, document, archive, source.

Дусчанов Р. Р.

Доцент., PhD кафедры «Источниковедения и архивоведения»
Национальный университет Узбекистана
rasuljonduschanov@gmail.com

ИСТОРИЯ БЮДЖЕТА УЗБЕКСКОЙ ССР (на примере 1925-1929 годов)

АННОТАЦИЯ

В статье на основе архивных документов рассматривается история становления Народного комиссариата финансов Узбекской ССР, его управлений, отделов, кадровые вопросы. Изложены полномочия и обязанности комиссии.

Ключевые слова: округ, отдел, управление, комиссариат, финансы, сбор, совет, доход, расход, государство, категория, приход, уход, документ, архив, источник.